

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

483 2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1732-1

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 7-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 июлдаги ПҚ-1588-сон «Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни амалга оширишни давом эттиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2013 йил 30 октябрдаги ПҚ-2059-сон «Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни амалга оширишни давом эттиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазир-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

лар Маҳкамасининг 2013 йил 13 апрелдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 21 июлдаги 199-сон «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг 2007 йил 5 сентябрдаги 01-02/12-27, ЭГ-01/10-3960, 33-сон қарори (рўйхат рақами 1732, 2007 йил 22 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 43-сон, 438-модда) билан тасдиқланган 2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2015 йил 29 август,
01-02/12-28-сон

З. ДУСАНОВ

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Тошкент ш.,
2015 йил 29 август,
2015/10-6-сон

Э. ҒАНИЕВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2015 йил 29 август,
99-сон

Г. САИДОВА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий
алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги,
Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил
29 августдаги 01-02/12-28, 2015/10-6,
99-сон қарорига
ИЛОВА

2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида «Корея Миллий Нефть Корпорацияси,» ва «, «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 13-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қайтариладиган товарларни вақтинча олиб кириш муддатини божхона юк декларациясида дастлаб кўрсатилган муддатдан ортиқ муддатга узайтириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 апрелдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.»

4. 17-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Божхона расмийлаштируви мақсадида сертификатланиши мажбурий бўлган сарфланадиган товарларни сертификатлашдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификацияланиши мажбурий бўлган товарларни (маҳсулотлар)ни олиб кириш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 901, 2000 йил 26 февраль) белгиланган тартибда амалга оширилади.»

5. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Оператор билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2015 йил 29 август

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖАНОВ

2015 йил 29 август

Hujjat 2015 yil 14 sentabr holatiga

36 (692)-сон

— 65 —

483-484-моддалар

*«Арал Си Оперейтинг Компани»
МЧЖ ҚК бош директори*

А. ТИЛЯЕВ

2015 йил 29 август